Десятки миллионов людей страдают невыявленными формами заболеваний, или же у них возможна предрасположенность к болезни, т.к. имеются родственники, страдающие сахарным диабетом.

Среди больных сахарным диабетом 10-20 % составляют больные с первым (инсулинозависимым) типом диабета. Мужчины и женщины болеют этим заболеванием примерно одинаково.

<http://medichelp.ru>

Статистика по заболеваемости диабетом ползет вверх

Согласно статистике, предложенной доктором Лорэйн Липсомб (Lorraine Lipscombe) из Института клинических оценок, Торонто (Institute for Clinical Evaluative Sciences, Toronto, Canada) в Онтарио в 2005 году распространение болезни сахарного диабета успело побить все допустимые прогнозы глобального роста заболеваемости, сделанные Всемирной организацией здравоохранения.

По прогнозу, составленному ВОЗ, рост заболеваемости диабетом с 2000 по 2030 годы составит 39%. Число заболевших диабетом непрерывно возрастает в течение последних 20 лет, что превращает диабет в одну из наиболее распространенных болезней современности. Как предсказывает ВОЗ, к 2030 году 6,4% взрослого населения планеты пострадает от диабета. При этом рост в процентном отношении будет составлять до 60% , если взять период с 1995 по 2030.

www.diabethelp.org

Ожирение и все проблемы, связанные с этим, в последние годы все больше беспокоят человечество.

Это касается всех слоев населения практически любой страны, причем, чем более развитая страна - тем острее в ней стоит эта проблема. Она актуальна даже для стран, в которых немалая часть населения постоянно голодает. В мусульманских государствах с проблемой лишнего веса, в основном, сталкиваются женщины, а в Латинской Америке, наоборот, мужчины.

Причина проблемы очень проста и всем известна: избыточная масса тела у людей появляется в том случае, если в течение длительного времени поступление энергии с пищей превышает энергетические затраты организма. Но как с этим бороться? Это пожалуй один из самых сложных вопросов, стоящих перед многими людьми.

По количеству людей, имеющих лишний вес бесспорно лидирует Америка.

Существует следующая статистика:

| | |
|-----------------------------|---------------|
| избыточную массу тела имеют | |
| в США | 60% населения |
| в Австралии | 50% |
| в России | 30% |
| в странах Западной Европы | 15-20% |
| в Англии | 20% |
| в Японии | 5% |

<http://www.diabet.ru/Sdiabet/1999-03/14.htm>

Экономические аспекты лечения сахарного диабета

Е.Коледова - Эли Лилли Медицинский отдел

Анализ стоимости лечения сахарного диабета (СД) является частью фармакоэкономики - нового направления в здравоохранении. Современная структура здравоохранения такова, что при выборе формы медицинской помощи принимается во внимание и ее стоимость. Изучение стоимости лечения СД связано с соотношением затрат и выгод, которые значительно различаются в обществе (например, для врача, больного, вкладчика или для общества в целом).

Экономический анализ медицинской помощи зависит от типа затрат, типа прибыли, а также точки зрения части общества, относительно которой проводится анализ. Упрощенно это можно представить в виде весов, на одной чаше которых располагается стоимость лечения, а на другой полученные выгоды. Эффективность терапии СД определяется экономической целесообразностью затрат (А), а также общественной перспективой (Б), что представлено на схеме 1.




Схема 1. Принцип оценки эффективности терапии СД.

Общественная перспектива включает получение наибольших выгод для большинства людей, а также максимальный практический вклад от средств, затрачиваемых на медицинскую помощь. Реализацию этих закономерностей представляет схема 2.

ДЕШЕВЛЕ ИЛИ ЛУЧШЕ?




Схема 2. Экономическая эффективность лечения ИЗСД.

При анализе стоимости лечения СД необходимо различать прямые и косвенные затраты. Прямые затраты включают затраты на лечение диабета и его осложнений, косвенные - на убытки потери производительности труда. Трудности правильного учета прямых и косвенных затрат связаны с учетом на протяжении длительного времени, а также с тем, что на фоне СД развиваются другие хронические заболевания. Следовательно, СД (как таковой) может не указываться в качестве прямой причины потери трудоспособности (например, при потере трудоспособности вследствие ангиопатий, что вызывает необходимость оценки вторичной заболеваемости при диабете).

Статистический анализ летальности при СД имеет свои трудности. Данные анализа 606 больных СД на протяжении 8 лет показали, что только в 1 случае диабет являлся прямой причиной смерти, в 80 случаях диабет регистрировался как предшествующая причина смерти и в 38 диабет регистрировался как параллельная причина смерти. Наиболее частой предшествующей причиной смерти являлась ИБС (70%), которая предшествовала почечной недостаточности (11%). Диабет упоминался только в 61 из 119 полученных справок о смерти (51%). Наиболее часто диабет не упоминается при ИБС (47%).

Чтобы оценить экономический груз СД можно привести несколько фактов: 13 млн. американцев страдают СД, 95% из них - СД 2 типа. [7]. В 1992 г. в США было 371 969 госпитализаций, непосредственно связанных с СД 1 типа, и 731 000 госпитализаций, обусловленных его хроническими осложнениями [2]. **Затраты на 1 больного диабетом в 1992 г. (9493 долл) были в 3 раза выше, чем для лиц без диабета (2604 долл) [3]. В 1992 г. В США расходы на медико-санитарную помощь больным СД 1 типа составили 105,2 млрд. долл [2]. В этом же году были подсчитаны прямые и не прямые расходы на лечение СД: экономический груз диабета составил не менее 45 млрд. долл. в виде прямых расходов на лечение и 47 млрд. долл. не прямых расходов за счет снижения производительности труда [19].** Расходы на медико-санитарную помощь 1 больному СД 1 типа включают: стоимость лекарственных препаратов и медицинского оборудования длительного пользования; стоимость медицинского обслуживания на дому; стоимость стоматологической помощи; стоимость экстренной помощи [2].

Большая часть убытков от потери трудоспособности (около 70%) у больных СД обусловлена стойкой нетрудоспособностью. У больных СД, получающих инсулин, в 2 раза чаще регистрируются дни временной нетрудоспособности по сравнению с популяцией в целом. Больные СД (получающие и не получающие инсулин) в 2 раза чаще преждевременно уходят на пенсию и у них в 2 раза больше дней госпитализации [4]. Таким образом, убытки от потери производительности труда у больных СД могут превышать затраты на лечение.

Затраты на лечение осложнений СД преобладают в общей стоимости лечения. **Экономический анализ показывает, что лечение слепоты, вызванной СД, стоит 2000 долл в год [5], лечение терминальной стадии ХПН - 45 000 долл в год [6].**

Интенсифицированная терапия позволяет уменьшить риск развития осложнений СД. Рандомизированное исследование по контролю диабета и его осложнений (ИКДО), включающее более 1400 больных СД 1 типа, наблюдающихся в течение 6,5 лет, показало, что интенсифицированное лечение уменьшает возникновение и замедляет прогрессирование микрососудистых и неврологических осложнений при диабете на 60% [7].

Риск прогрессирования диабетической ретинопатии у больных СД 2 типа, получавших интенсифицированное лечение, снижается в 1,5-2 раза на каждый 1% снижения уровня HbA1C, что соответствует снижению гликемии приблизительно на 30 мг/дл за предшествующие 1-2 мес. [7]. Снижение гликемии коррелирует со снижением риска развития тяжелых форм ретинопатии на 47%, прогрессирования ретинопатии - на 54%, микроальбуминурии - на 39%, альбуминурии - на 54%, клинически выраженной нейропатии - на 60%, комбинированных микрососудистых осложнений - на 41% [7]. Таким образом, интенсифицированная инсулинотерапия может приводить к экономии при использовании диагностических процедур и лечении осложнений СД.

Экономический анализ рентабельности интенсифицированной инсулинотерапии изучался в нескольких исследованиях. Основные вопросы, возникающие при проведении экономического анализа преимуществ интенсифицированной инсулинотерапии, определялись следующим образом: какие средства используются для интенсифицированной и стандартной терапии и какова стоимость лечения; какова частота возникновения

осложнений при стандартном и интенсифицированном методе лечения СД 1 типа и стоимость лечения осложнений; каковы затраты и выгоды интенсифицированного и стандартного метода лечения.

Существует исследование, использующее балансовый анализ при терапии СД, позволяющий избежать влияния многих факторов: проведение балансового анализа рентабельности стандартной и интенсифицированной инсулинотерапии. Условия анализа включали две группы по 100 человек, диагноз 1 типа которым был поставлен в возрасте 13 лет. Известно, что продолжительность жизни больных СД с основными осложнениями в конечной стадии составляет 10 лет, без осложнений - 50 лет [2]. Через 20 лет при стандартной терапии у 53% больных диагностируются основные осложнения в конечной стадии: в 18% случаев слепота, в 25% - диабетическая терминальная почечная недостаточность (ТПН), в 10% - слепота и ТПН [8-10]. Через 20 лет интенсифицированной инсулинотерапии у 26% больных СД имеются основные осложнения в конечной стадии в меньшем количестве: в 9% случаев слепота, в 13% больных СД - диабетическая ТПН, в 5% - слепота и ТПН [11]. Применение балансового анализа показало, что по сравнению со стандартным методом лечения интенсифицированная терапия приводит к экономии 79280 долл в течение жизни [2]. Так же интенсифицированное лечение снижает частоту развития осложнений на 50%, разница в затратах на первое и стандартное лечение составляет менее 1800 долл в год. Таким образом, интенсифицированное лечение СД экономичнее стандартного [2].

Существует мнение о том, что лечение, затраты на которое составляют менее 20000 долл на каждый сохранный год жизни, должно быть принятым с точки зрения общественно-экономических позиций. К этим видам терапии относятся аортокоронарное шунтирование, гипотензивное лечение при диастолическом АД выше 105 мм. рт. ст., интенсифицированное лечение СД 1 типа [12]. **Расходы на каждый дополнительный год жизни больного СД составят приблизительно 20000 долл**, если разница в затратах между интенсифицированным и стандартным лечением будет составлять примерно 4400 долл [2].

Интенсифицированная терапия (данные ИКДО) не означает повышения суточной дозы инсулина или изменения способа его введения; она означает более частые встречи и телефонные контакты с врачом, более частые консультации по питанию, самостоятельному измерению гликемии, подбору дозы инсулина для стабильной компенсации.

Проведение оценки интенсифицированной терапии с экономической точки зрения показало, что так как при СД 1 типа частота гипогликемических реакций в 10-20 раз ниже, то интенсифицированная терапия при СД 2 типа даже более выгодна, чем у больных СД 1 типа (единственным и главным клинически значимым фактором риска в ИКДО были тяжелые гипогликемии. Ожидаемые затраты, связанные с интенсификацией лечения СД, можно приблизительно оценить в 1000-2000 долл на человека [10]. Эти затраты нужно сравнивать с ежегодными дополнительными затратами на лечение пожилых больных диабетом (55-74 лет), которые составляют на 5000-6000 долл больше, чем для людей того же возраста без диабета [3].

Чтобы провести полную оценку потенциальной экономической эффективности программы интенсифицированной терапии больных СД, необходимо получить данные о прогрессировании осложнений, степени их предупреждения при интенсифицированном лечении, непрямои экономии за счет уменьшения потерь производительности труда, снижения инвалидности и смертности.

Интенсифицированная терапия повышает затраты для больных в 1,4 раза и для системы здравоохранения - в 10 раз [1]. Можно ожидать, что интенсификация лечения за короткий период увеличит расходы на 10-20 млрд. долл., что даст возможность реализовать долговременный экономический эффект за счет уменьшения риска развития и

прогрессирования диабетических осложнений и частичного снижения расходов, связанных с госпитализацией больных диабетом (65,2 млрд. долл), до уровня расходов на госпитализацию больных без диабета (47,6 млрд. долл), а также за счет менее четкого уменьшения расходов на реабилитацию (слепота, нарушения мозгового кровообращения, сестринский уход на дому и т.д.) [10].

Особое внимание при интенсифицированной терапии СД уделяется обучению больных самоконтролю заболевания и роли диабетологического центра. Имеются данные 47 работ по обучению больных СД [13]. Данные 93 исследований, включающих 7451 больных диабетом, показали, что обучение больных приносит существенные положительные результаты [14]. Самоконтроль способствует улучшению компенсации диабета.

Член группы, прошедший курс обучения, получает преимущества по сравнению с 70% членов контрольной группы. Обучение больных вызывало снижение среднего уровня HbA1c с 11,3 до 9,0% ($p < 0.001$) [15].

Амбулаторная стабилизация СД является экономически выгодной альтернативой больничного лечения [16, 17], так как снижает частоту госпитализации с 80 до 20% [1]. При использовании интегрированной системы диабетологического центра ежегодная частота госпитализации по поводу кетоацидоза и гипогликемии снизилась с 44 до 33 случаев и с 23 до 5 случаев в год. Концепция совместного лечения в диабетологическом центре включает работу врачей общей практики и услуги центра, в котором должна быть многопрофильная бригада по оценке диабетических осложнений (диабетолог, ортопед, специальный медсестринский персонал). Продолжительность рабочего дня этой бригады составит 3 ч в день. Объем диагностического обследования включает анализ мочи за 2,5 ч и другие лабораторные анализы, исследование глазного дна, исследование функции периферической, вегетососудистой и сердечно-сосудистой системы. Стоимость ежегодного скрининга - 190 долл в год [18].

Данные экономического анализа показывают, что 12 мес. лечения бригадой лечения стоп при Диабетологическом центре стоят 1309 долл; госпитализация в течение 21 дня соответственно - 8981 долл, госпитализация в течение 25 дней по поводу ампутации - 10888 долл [1].

Современная концепция о СД как особом образе жизни полноценных членов общества диктует необходимость оценки не только клинической, но и экономической эффективности лечения заболевания. Поэтому понятие «дешевле сейчас» не всегда соответствует понятию «дешевле (лучше) в дальнейшем». Многочисленные данные исследований подтверждают это положение и показывают, что первичные вложения в интенсифицированную терапию СД являются экономически более эффективными, так как снижают риск развития тяжелых, угрожающих жизни и приводящих к инвалидности осложнений, и, следовательно, уменьшают расходы общества на терапию, реабилитацию и социальное обеспечение больных.

Инсониятнинг пайдо бўлиши

Тангри ушбу заминни пайдо қилганидан кейин жуда кўп вақтлар ўтиб ёритгичларнинг кучи унсур (элемент)ларга таъсир қилган ва мазкур мавҳум нуқтадан қайтган пайтда ҳаво ва олов ёрдамида ер ва сув ичидан жонсиз табиат пайдо бўлди. Жонсиз оламдаги унсурлар қоришмасидан иборат бўлган лой тараққий этиб, мукамаллашиб, ўсимликлар оламининг аввалги нарсасига яқин бўлган буссад яъни маржон даражасига етди.

Орадан яна узоқ даврлар ўтиб, фалакнинг айланиши ҳам бир текислик касб этгач, қуйи оламнинг табиати ҳам камолотга етиб, фаолият навбати сув билан ҳаво орасидаги тешикка (бўшлиққа) етди ва бу заминда ўсимликлар олами пайдо бўлди. Шундан сўнг ўсимликларни пайдо қилган жавҳар (моҳият)га Тангрининг ўзи тўртта ходим ҳамда учта қувват ато этди.

Биринчи ходим шундайки, у ўзига мувофиқ бўлган ҳар қандай нарсани тортади. Шунинг учун уни *"жозиб"* (тортувчи) дейилади. Иккинчи ходим шундайки, у *"жозиб"* тортган ҳар бир нарсани сақлаб туради. Шунинг учун уни *"мосиқа"* (сақловчи) дейилади. Учинчи ходим шундайки, у тортилган барча нарсани ҳазм қилади ўзига керакли нарсага айланмагунича унинг ҳолатини ўзгартираверади. Шунинг учун уни *"ҳозима"* (ҳазм қилувчи) дейилади. Тўртинчи ходим шундайки, у ҳар қандай номувофиқ нарсани йўқотади. Шунинг учун уни *"дофиъ"* (йўқотувчи) дейилади.

Биринчи қувват шундайки, у овқатларни мутаносиб ва бир меъёردа тақсимлаб туради. Шунинг учун уни *"тақсимотчи"* қувват дейилади. Иккинчи қувват шундайки, у овқатларни ҳамма томонларнинг охиригача етаклаб боради. Шунинг учун уни *"элтувчи"* қувват дейилади. Учинчи қувват шундайки, у ўсимлик камолотга етгач, унинг ўрнига ўринбосарларни пайдо қилади. Шунинг учун уни *"муваллида"* (туғдирувчи) қувват дейилади.

Қувватлар билан таъсирлар бир-бирлари орқали билинади. Чунки ҳар бир қувват ҳам бирон-бир таъсирнинг бошланадиган ери бўлиб, ҳар бир таъсир ҳам бирон-бир қувватдан пайдо бўлади.

Бу олам янада камол топиб, фаолият навбати мувофиқликка етгач, латиф болалар, яъни ҳайвонот олами пайдо бўлди. Улар ўсимликлар олами эга бўлган барча ходимлар ва қувватларни ўзи билан бирга олиб келди. Уларнинг устига яна икки қувват ҳам қўшилди. Улардан бири англаш қуввати бўлиб, уни *"мудрика"* (идрок) деб аталади. Иккинчиси ҳаракатлантирувчи қувват бўлиб, бу қувват ёрдами билан ҳайвонлар ҳаракат қилиб, ёқимли нарсаларга яқинлашиб, ёқимсиз нарсалардан узоқлашади. Уни *"муҳаррика"* (ҳаракатлантирувчи) қувват дейилади. Аммо идрок қилиш қуввати 10 та шохобчага бўлинади. Улардан 5 тасини ташқи сезгилар ва қолган 5 тасини ички сезгилар дейилади. Ташқи сезгилар: бадан билан сезиш, маза билиш, кўриш, эшитиш, ҳид билиш. Ички сезгилар: муштарак сезги, хаёл, тасаввур, ваҳм (гумон), хотира.

Ташқи сезгилардан бадан билан сезиш қуввати шундай қувватки, у ҳайвоннинг териси ва гўштидан ўрин олган бўлади. Бирор нарса баданга тегса, у теккан нарсанинг қуруқ ёки ҳўллигини, иссиқ ёки совуқлигини, қаттиқ ёки юмшоқлигини, ғадир-будур ёки силлиқлигини, катта ёки кичиклигини, узун ёки қисқа эканлигини фарқлаб беради.

Маза билиш қуввати тил устида жойлашган бўлиб, оғиздаги нарсаларни ширин, аччиқ, тахир, нордон ва бошқа таъмларини аниқлаб беради.

Эшитиш қуввати шундайки, у қулоқ пардасида тарқалган асаблардан ўрин олган бўлиб, *"мутақорийайн"* яъни икки нарсани бир-бирига урилиб сиқилишидан ҳосил бўлган ҳаво тўлқинларидаги товушларни пайқайди. Икки нарсанинг ўзаро тўқнашувидан ҳаво тебранади ва товуш ҳосил бўлади. Ҳаво тебранишлари қулоқ пардасига етиб бориб, асаблар билан тўқнашади ва эшитиш вужудга келади.

Кўриш қуввати шундайки, у ковак асабда жойлашган бўлиб, музсимон суюқлик ва акс эттирувчи жисм оралиғида жойлашган шишасимон жисм туфайли кўз гавҳарида акс этадиган турли шакл ва жисмлар суратини қабул қилади.

Ҳид билиш қуввати шундайки, миянинг олдинги қисмидаги дўнгликда аёллар кўкрагининг учига ўхшаган шаклда жойлашган бўлиб, ҳаводаги шамол ҳайдаб юрадиган ҳар қандай ҳидни сезади.

Аммо ички сезгиларга келсак, баъзиларнинг фикрича, сезилган нарсанинг шакли идрок қилинади. Бошқаларнинг фикрича, ҳис этилган нарсанинг маъноси идрок қилинади. Аслида бу икки фикр бир бутун бўлгани тўғридир.

Ички сезгилардан биринчиси - муштарак сезги. У шундай қувватки миянинг олдинги қоринчасида жойлашган бўлиб, ўз борлиғи билан ташқи сезгилар қабул қилиб ички сезгиларга юборган барча турдаги суратларни қабул қилиб олади. Ташқи сезгилар қабул қилиб олган нарсаларнинг маълумотини муштарак сезгилар қабул қилиб олгандагина ташқаридаги нарсалар аниқ ҳис этилган бўлади.

Иккинчиси - ҳаёл ва у шундай қувватки, миянинг олдинги қоринчаси охирида жойлашган бўлиб, муштарак сезги ташқи сезгилардан қабул қилиб олган нарсаларни ушлаб туради ва сезилаётган нарсалар ғойиб бўлгунча унда сақланиб туради.

Учинчиси - *"мутахаййила"* (тасаввур) қуввати, агар уни ҳайвонга нисбатан айтилса, *"мутахаййила"* (тасаввур) дейилади; борди-ю, инсонга нисбатан айтилса, *"мутафаккира"* (фикрлаш) дейилади. У миянинг ўрта қоринчасида жойлашган бўлиб, унинг вазифаси ҳаёлда бўлган майда қисмларни тафаккур ихтиёри билан бир-бирига қўшади ёки бир-биридан ажратиб беради.

Тўртинчиси - *"ваҳм"* (гумон, тасаввур) қуввати. Бу миянинг ўрта қоринчаси охирида жойлашган бўлиб, унинг вазифаси қисман сезилган ва тўлиқ бўлмаган маъноларни пайқашдир. Чунончи, эчки боласининг ўз онаси билан бўрини фарқлаши ёки ёш болани ола-була арқон билан илонни фарқлаши каби.

Бешинчиси - хотира қуввати, уни эсда сақлаш қуввати ҳам дейишади. Бу шундай қувватки, у миянинг охириги қоринчасида жойлашган бўлиб, *"ваҳм"* қуввати сезган маънолардан ниманики топган бўлса, шу қувват сақлаб туради.

Узоқ вақтлар ўтиши ва жуда кўп айёмлар кечиши билан табиатнинг латифлиги зиёдалашди ҳамда навбат осмонлар билан унсурлар орасидаги тешикка етиб келди-ю, бу заминда инсон пайдо бўлди. У жонсиз оламда, ўсимликлар ва ҳайвонот оламида нимаики бўлса, ҳаммасини ўзи билан бирга олиб келди. Буларнинг устига яна ақл билан сезиш ҳам қўшилди. Шундай қилиб у ақл воситасида барча ҳайвонлар устидан ҳоким бўлди, уларнинг ҳаммаси инсон ҳукми остига кирди.

Инсон жонсиз оламдаги қимматбаҳо тошлардан, олтину кумушдан ўзига зебу зийнатлар ясади. Пўлат, бринж (бронза), мис, кўрғошин ва қалайдан уй анжомлари ҳамда курол-яроқлар тайёрлади. Ўсимликлар оламидан озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар ва палослар бунёд қилди. Ҳайвонот оламидан эса миниш ва юк ташишни юзага чиқарди. Бу учта оламнинг ҳаммасидан эса дори-дармонлар ажратиб олди ва улар билан ўзини муолажа қилди. Бу барча устунликка ақл воситаси билан эришди. Фаросат жоннинг маълумдан мажхул томонга кўчиб ўтиши ҳаракатини аниқлаш суръатидир. Инсон ақл билан Тангрини таниди. *"Ким ўзини таниса, демак у Парвардигорини танибди"*.

"... Бу дунёга келган энг етук кишиларнинг иши – биз ким, нимадан вужудга келганмиз, бизни пайдо қилувчи ким деб фикрлаш, нарсаларнинг асл моҳияти ҳақида фикр юритиш "қандай қилиб келдик ва қаерга кетамиз" деб, ўзларининг дунёга келишлари ҳақида ўйлаш ва кетишлари ҳақида тафаккур қилишдан иборат.

Бу қисм кишилари яна икки хилга бўлинади.

Биринчи хили шундай кишиларки, улар устоз ёрдами билан, илмга ташналик, оғир захмат ва ўқишу ёзиш билан излаган нарсаларининг ҳақиқатиغا етадилар. Бу тоифадаги кишиларни ҳукамо ҳақимлар (олимлар) деб аташади.

Иккинчи хили шундай кишиларки, улар устозсиз ва ўқишу ёзишсиз ўйлаган нарсаларининг ҳақиқатиغا ета оладилар. Бу хилдаги кишиларни анбиёлар деб аташади.

... Подшоликдан кўра оғирроқ юк, мамлакатни бошқаришдан кўра мушкулроқ иш йўқ. Демак, подшо яқинлари шундай бўлиши лозимки, оламнинг оғир-енгилини, бандаларнинг тинч ва нотинчлигини ўзларининг маслаҳатлари, фикр ва тадбирлари билан ҳал қила олсинлар ва уларнинг ҳар бирлари ўз даврларининг энг фозил ва энг мукаммал кишилари бўлсин...”

*Нодир ҳикоятлар – Низомий Арузий Самарқандий
Тошкент – Ғ.Ғулом – 1985 й. (7-13 бетлар).*

Доришунослик ва дориларнинг қандай бўлиши кераклиги ҳақида

Дориларнинг хоссалари ҳақида

Дорилар - мураккаб ва содда бўлади. Мураккаб дорилардан овқатлик хусусиятларига эга бўлганлари биринчи навбатда ишлатилади ва биз уни мақтаймиз. Агар у билан мақсад амалга ошса, бошқасига ўтилмайди. Биз бу ерда даволик хусусиятига эга бўлган ғизо моддаларни назарда тутамиз. Дориларнинг биринчи қиладиган таъсири баданни енгиб олишдир, кейин охирида бадан дорини енгади.

Агар узоқ оч юрган киши овқат ва ичимликлардан хаддан ташқари кўп истеъмол қилса, уларнинг ҳаммаси ҳам заҳар бўлади. Агар инсон истеъмол қилаверса, барча заҳарлар ҳам овқат бўлади.

Касалликни тузатишнинг асосий тадбири - дори. Биз дорилик хоссаларига эга бўлган овқатлар ҳақида гапириб, уни иссиқ ёки совуқ деганимизда, шунингдек буни ҳўл ёки куруқ деганимизда, ўша овқатлар ёки ичимликлар амалда ва ҳақиқатда эмас, балки қувватда шундай эканлигини, яъни унинг қуввати бизнинг баданимиз қувватига нисбатан иссиқроқ ёки совуқроқ, ҳўлроқ ёки куруқроқ эканини назарда тутамиз.

Гавдага кирган дорилар гавда таъсирида ўзгариб, гавдани ҳам ўзгартириб: ё гавдага сингиб, гавдага мослашиб кетади ёки гавдага сингимайди ва гавдага мослашиб кетмайди. Агар гавдага кирган дори гавдани ўзгартириб, гавдага сингиб, гавдага мослашиб кетса, у дорили шифобахш овқат ҳисобланади.

Агар гавдага кирган дори гавдани ўзгартирса-ю, гавдага сингиб кетмаса, гавдага мослашиб кетмаса, у мутлақо дорининг ўзи бўлади.

Мутлақо дори заҳарлардан тайёрланади.

Ғ’М Эликсир - ўта мураккаб таркибли шифобахш озик-овқатликка мансуб дори воситаси.

Маълумки:

Фармакогнозия - юнонча заҳар, дори ва билим сўзларидан ташкил топган бўлиб, асосан доривор ўсимликлардан ва қисман ҳайвонлардан олинадиган доривор маҳсулотларни ўрганадиган ва ўргатадиган фандир.

Фармакология - грекча "Фармакон" - дори-дармон ва "логос" - таълимот сўзларидан олинган бўлиб, дорилик хоссаларига эга бўлган воситаларнинг хоссаларини ўрганади ва ўргатади.

Фармация - доришунослик-доривор моддаларни излаш, ўрганиш, синтез қилиш, йиғиш, тайёрлаш, қайтадан ишлаш, сақлаш, беморлар ва даволаш муассасаларига етказиб бериш масалаларини ўрганадиган илмий-амалий фанлар мажмуи. Фармация дорихоналар ишини режалаштириш, ҳисоб-китоб ишларини ташкил этиш билан ҳам шуғулланади.

Фармакопея - дорилар сифатини белгиловчи стандартлар ва қонун-қоидалар мажмуи.

Абу Али ибн Сино ҳазратлари айтадиларки: -“баданга ўзгартириш киритиши ақлга мувофиқ келадиган, яъни далилларга асосланган ҳар бир дори биринчи даражададир”.

Ҳаммага маълуму машҳур бўлган Гиппократ айтадиларки: “Бизнинг озуқа моддаларимиз шифобахш бўлмоғи, шифобахш дори-дармонларимиз эса озуқа бўлмоғи керак. Парҳез таомларнинг таъсири давомли, дори-дармонларнинг таъсири ўткинчидир”.

Шарқ табобатининг машҳур намоёндаларидан бири Абу Бакр Ар-Розий (865-925) ўзининг, “ат Тибб ал Мулукий” - “Подшоҳлар табобати” китобида бошдан оёққача бўлган барча касалликларни фақат доривор овқатлар билан даволашни баён қилган.

Юрак касалликларини даволашда истеъмол этиладиган дориларни тайёрлашда ширинликка нисбатан яхши ҳидли таркибий қисм кўпроқ қўшилади, жигар касалликларини даволашда истеъмол этиладиган дориларга ширинлик кўпроқ қўшилади. Чунки, юрак руҳ озигининг вужудга келиши учун, жигар эса бадан озигининг вужудга келиши учун манбадир.

“Хилтларнинг пайдо бўладиган ери жигардир. Агар жигар соғлом бўлса, хилт соғлом бўлади. Хилт соғлом бўлса, одам соғлом бўлади. Жигардаги буғдан табиий руҳ вужудга келади” - дейди, Абу Али ибн Сино.

НАЗАРИЙ МАҚОЛА

Мураккаб дориларнинг кераклиги

Биз ҳар бир касалликда, хусусан, мураккаб касалликда¹ унга қарши тура оладиган содда дорини топа олмаймиз, агар [ундай дори] топилганда ҳам, биз уни афзал кўрмаймиз. Ҳатто биз, кўпинча, мураккаб [касалликка] қарши тура оладиган мураккаб [дорини] ҳам топа олмаймиз ёки уни топамиз, бироқ бизга унинг таркибий қисмларидан биронтасининг қуввати ортиқроқ бўлиши зарур бўлади ва натижада унинг қувватини кучайтирувчи бирон содда [дори] қўшишга муҳтож бўламиз. Масалан, бобунани олайлик, унда эритиб тарқатиш қуввати кўпроқ, буруштириш қуввати эса озроқдир, шунинг учун унга биронта буриштирувчи содда дори қўшиб, унинг буриштириш қуввати кучайтирилади. Баъзан бизда бирон қиздирувчи содда дори мавжуд бўлади, лекин биз учун унга нисбатан камроқ қиздириш зарур бўлади, натижада унга биронта совутувчи [дорини] қўшишга тўғри келади; ёки унга қараганда кўпроқ қиздириш [керак бўлиб], унга яна бошқа бир қиздирувчини қўшишга муҳтож бўламиз. Кўпинча, бизга тўрт жуз билан қиздирувчи² дори керак бўлади, ammo бизда фақат уч жуз билан қиздирадиган бир дори ва беш жуз билан қиздирадиган бошқа бир доригина мавжуд бўлади; шунда тўрт жуз билан қиздирувчи [дори] ҳосил қилиш учун уларни бир-бири билан қўшамиз.

Гоҳо биз истаган дори бизга зарур соҳада етук [таъсирга] эга бўлсада, бироқ бошқа жиҳатдан зарарли бўлади, шунинг учун унга унинг зарарини синдирадиган нарса аралаштириш зарур бўлиб қолади. Баъзан [дори] инсон табиатига ёқимсиз ва карохатли бўлиб, меъда уни ёқтирмайди ва қайтариб чиқаради, шунда уни ёқимли қиладиган бирон нарса билан аралаштиришга мажбур бўламиз. Гоҳо дори ўз таъсирини [гавданинг] узоқроқ ерида кўрсатиши мақсад қилиб қўйилади, бироқ биринчи ва иккинчи ҳазм унинг қувватини синдириб юборади деб кўрқилади, шундай ҳолларда у [дори] мўлжалланган аъзога бузилмаган ҳолда етиб борсин учун, унга ўзи таъсирланмасдан¹, иккала ҳазмнинг таъсирини [доридан] узоқлатадиган сақловчини қўшишга тўғри келади, масалан, тарёк² дорисига афюн қўшилади.

Баъзан дорини [ичкарироқ] олиб бориш мақсад қилиб қўйилади, масалан, кофур кулчаларини юракка етказиш учун уларга заъфарон қўшилади, улар юракка бориб етгач, ажратувчи қувват ишга киришиб, заъфаронни [кулчалардан] ажратади ва уни йўқотади; совутувчи ва сўндирувчи [дорилар] эса юракка ўз таъсирини кўрсатади. Ажратувчи қувват

эритиб, тарқатувчи қувват билан буриштирувчи қувватни бир-биридан айирганда ҳам шундай таъсир кўрсатади; дори табиий ёки сунъий бўлишидан қатъи назар шундай бўлади, натижада эритиб тарқатувчи [қувват] оғриётган аъзонинг ўзига таъсир этиб, моддани тарқатади, қайтарувчи [қувват] эса модда юрадиган йўлларга таъсир кўрсатиб, уни қайтаради.

Гоҳо биз дори ўтиш йўлларида жуда етарли даражада таъсир кўрсатсин учун, унинг бир оз ушланиб туришини истаймиз, бироқ дори тез сингиб ўтадиган бўлади, шунда уни тутиб турувчи [дори] билан аралаштираемиз. Масалан, [тиқилмаларни] очувчи дориларнинг кўпи жигардан тез ўтиб кетадиган бўлади, кўпинча эса, уларнинг жигарда ушланиб туришлари жуда зарур бўлади, шундай ҳолларда уларни жигарнинг қарши томонида тортувчи дорилар билан аралаштираемиз; масалан; турп уруғи дорини меъда оғзи томон тортади, натижада дорининг фойдаси жигарга ўтганга қадар у гўё тараддудланиб [тўхтаб туради], сўнгра ўтиб кетади.

Кўпинча, биздаги дори иккала томон учун ҳам умумий бўлади⁴, бизнинг мақсадимиз эса, уни фақат бир томонга [йўналтириш] бўлади ва уни ўша томонга олиб борадиган нарса билан қўшамиз, масалан, [тиқилмаларни] очиб, сийдикни юргизувчи дориларни томирлардан буйрак ва қовуқ томонга йўналтириш учун уларга олакуланг қўшилади.

Билгинки, кўп [310] дориларнинг [баданга] тушиш ўринлари билан таъсир кўрсатадиган ўринлари [бошқа-бошқа] бўлади. Баъзан [дорининг] тушиш ўрни унинг таъсир кўрсатиш ўрнидан узокроқ бўлиши назарда тутилади, шунда биронта олиб борувчи [дори]га эҳтиёж туғилади. Баъзан эса, таъсир кўрсатиш ўрнининг тушиш ўрнидан яқинроқ бўлиши мақсад қилиб қўйилади, бундай ҳолда тутиб қолувчи [дорига] эҳтиёж тушади.

Билгинки, тажрибадан ўтказилган [дори] тажрибадан ўтказилмаганидан яхшидир; бир мақсад учун дорининг ози кўпидан кўра яхшироқдир. Дорининг ози кўпидан яхши эканлигининг сабаби Иккинчи китобнинг бошида изоҳланган. Тажрибадан ўтган дорининг яхши эканлигининг сабаби шуки, ҳар бир мураккаб дори учун унинг таркибидаги содда қисмлари юзасидан бир турли ҳукм ва бириккан ҳолатидаги сурати¹ юзасидан бир ҳукм бўлади. Тажрибадан ўтказилмаган дори фақат ўзининг содда қисмлари эътибори билангина фойда келтириши мумкин, уларнинг қўшилиши натижасида нима юз беришини биз билмаймиз: бунда улар кучлироқ бўлиб қоладими ёки кучсизроқ-ми? Тажрибадан ўтган дорида эса, бу икки ҳол текшириб кўрилган бўлади. Кўпинча [мураккаб дорининг] таркиб ҳолидаги фойдаси унинг таркибий қисмларидан қутилганига қараганда кўпроқ бўлади.

[Дорилар] қандай таркиб қилинади. Билгинки, агар сенда [даволаш учун] тўрт хил эҳтиёж туғилса ва улар учун [етарли бўлган] табиий дорини тополмай сунъий дорига муҳтож бўлсанг, масалан, *сақмуниё*, Абу Жаҳл тарвузининг эти, сабр ва турбуд билан бўшатишга эҳтиёжинг тушиб, бир умумий дори ҳосил қилиш учун уларни бир-бири билан қўшишни истасанг, қарашинг керак: агар [дориларга] ва уларнинг таъсирига бўлган ҳожат бир хилда бўлса ва улар тўртта бўлса, уларнинг ҳар биридан бир ичимнинг тўртдан бирича олиб қўш. || Агар уларга бўлган эҳтиёж бир хилда бўлмаса, балки бирига кўпроқ ва бошқасига озроқ бўлса, тиб санъатида асосланиб чамалаб, [уларнинг ҳар бирига бўлган] эҳтиёж даражасини аниқла ва [бирига] бўлган эҳтиёжнинг [иккинчисига] бўлган эҳтиёжга нисбатини асосий қоида қилиб ва шу нисбатга асосланиб, умумий таркибнинг бир ичимига қарадиган баъзи [содда дориларнинг] миқдорини ошир, баъзилариникини камайтир, сўнгра ҳаммасини қўш!

Билгинки, тарёқ каби нажот келтирувчи мураккаб дори ўз таркибидаги содда қисмлари туфайли бир турли таъсир ва қувватларга эга бўлганидек, у дорида маълум бир мизож ҳосил бўлсин учун уни бир қанча муддат давомида ачитиш натижасида пайдо бўладиган сурати² туфайли ҳам бир турли таъсир ва қувватларга эга бўлади. Кўпинча [сурати] таркибидаги содда қисмларига қараганда афзалроқ бўлади. Табибларнинг: -Тарёқ фалон касалликка [ўз

таркибидаги] сунбул туфайли, фалон касалликка эса *мурр*^b туфайли фойда қилади, - деган сўзига аҳамият бермаслик керак, тўғри, [тарёқ] шу [қисмлари] туфайли ҳам фойда етказди, бироқ ундаги асосий нарса унинг суратидир⁴. [Таркибий қисмлари] ҳаммаси биргаллашиб жуда яхши фойда келтиради, бироқ биз у қисмларнинг [тарёқнинг] таъсирига муносабати қандай эканлигини аниқ кўрсатиб бера олмаймиз.

Сенга яна маълум бўлсинки, мураккаб дорилар таркибида асосий қисм ва асл вазифасини бажарувчи дорилар бўлади ва уларни таркибдан чиқарилса, [мураккаб дорининг] фойдаси йўқолади, масалан, тарёқдаги *афъо* илонининг гўшти, *иёраж фикродаги* сабр ва *Лугозиё иёражиддаги* харбақлар⁵ шундай. Баъзи дорилар борки, уларни тушириб қолдириш, бошқаси билан алмаштириш, [миқдорини] кўпайтириш ёки камайитириш ҳам мумкин. Баъзи дорилар ҳам борки, агар улар [мураккаб дорига] кўшилса, зарар етказди, [масалан], тарёққа балозур кўшилса, у дорини, айниқса *афъо* илони гўштини бузган бўлар эди; дориларнинг ичида шундайлари ҳам борки, агар уларнинг миқдори орттирилса, зарар етказмайди, масалан, сен тарёққа мускат ёнғоғини кўшсанг, катта гуноҳ қилган бўлмайсан.

Билгинки, кўп таркиблар [дориларнинг таъсирини] бузишга сабаб бўлади, кўплари эса жуда яхши таъсирли бўлиб чиқади. Кўп таркиблар содда ҳам мураккаб дорилардан тузилади, масалан, тарёқ содда қисмлардан ва уч хил кулчадан таркиб топади, ҳар бир кулча ўзининг мураккаблиги туфайли содда дориларда бўлмайдиган хусусиятга эгадир. Баъзи дори мураккаб дорилардан таркиб топади.

ТАРЁҚЛАР¹ ВА КАТТА МАЪЖУНЛАР² ҲАҚИДА

*Тарёқ форуқ*³. Бу тарёқ мураккаб дориларнинг энг яхшиси ва энг афзалидир, чунки у кўп нарсаларга фойда қилади, хусусан илон, чаён ва қутурган ит захарига ҳамда ичилган ўлдирувчи захарларга, шунингдек, балғамдан ҳамда савдодан бўладиган касалликларга ва уларнинг иситмаларига, ёмон бодлар, фалаж, сакта, тутқанок, юз фалажи, қалтироқлик, васвасалик, жиннилик, айниқса мохов касаллигига ҳамда песликка фойда қилади.

[311] Бу [тарёқ] юракни тетиклаштиради, ҳисларни ўткирлаштиради, иштаҳаларни кўзғатади, меъдани кучайтиради, нафас олишни осонлаштиради, хафақонни кетказди ва қон туфлашни тўхтатади, буйрак ва қовуқнинг кўпчилик оғриқларига ҳамда улардан [турли нарсаларнинг] оқишига қарши ҳам фойда қилади, тошни майдалайди, шунингдек, ичак яраларига, жигар, талоқ ва бошқа [аъзоларда] бўладиган ички қаттикликларга ҳам фойда қилади. [Тарёқ] бу таъсирларни ўз таркибидаги содда [дориларнинг] аралашувидан келиб чиқадиган суратининг хусусияти туфайли амалга оширади, чунки у руҳ билан туғма ҳароратни кучайтиради ва шу орқали [инсон] табиатига совуқлик ва иссиқликка қарши туришда ёрдам беради.

Бу дори учун энг яхши нусха Андромахнинг⁴ дастлабки асл нусхасидир. Жолинус ва бошқа кўп табиблар [тарёқнинг таркибини] орттириш ёки камайитиришга уриниб кўрганлар, буни улар бирон зарурат ёки кучли сабаб туфайли қилмаганлар, балки [номлари] зикр этилсин ва улардан ҳам Андромахдан қолгани каби ёдгорлик қолсин деган умидда қилганлар. Тажриба натижасида нажот берувчи бўлиб чиққан [таркибдан] ҳеч нарсаи ўзгартирмаслик дурустроқ бўлади. [Тарёқни] ўша хил вазнда таркиб қилиш [зарурлиги] тажрибанинг тақозосидир. Агар ундаги [таркибий қисмларнинг] вазни ўзгартирилса, у бунчалик хусусиятга эга бўлолмайди. Агар бирон [киши] тарёқ қисмларининг, ўша хилдаги вазлари нима учун [тарёқда] шу хил хусусиятни келтириб чиқариш сабабини биламан, деб даъво қилса, у киши рад қилинадиган, ёлғон нарсаи даъво қилган бўлади; у худди бирон кишининг от, инсон ва бошқалардаги содда унсурларнинг вазларини билишни даъво қилганига ўхшайди.

Тарёқнинг болалик, ўсмирлик, ёшлик, қариллик ва ўлиш [даврлари] бор. У олти ой ёки бир йил ўтгандан кейин бола бўлади, кейин у ўса ва орта бориб, ниҳоят иссиқ мамлакатларда ўн йилдан кейин, совуқ мамлакатларда эса, йигирма йилдан кейин [ўсишдан] тўхтайтиди. Сўнгра у ўн ёки йигирма йил давомида тўхтаб туради, кейин йигирма ёки қирқ йилдан сўнг [унинг кучи] камаё боради, ниҳоят, унинг тарёқлиги ўттиз ёки олтмиш йилдан кейин йўқолади ва у тарёқлик даражасидан тушган маъжунлардан бири бўлиб қолади.

[Бирон нарса] чаққан кишига [тарёқнинг] янги ва кучлисини ичириш керак, бошқаларга эса заифроғи ичирилади. Кўпинча, бирон нарса чаққан кишига янги [тарёқдан] ярим мисқолдан бир мисқолгача ичиришга тўғри келади. [Тарёқнинг] янги ва кучлисини эски, || кучсиз ва ёмонидан ажратадиган синовлардан бири шуки, бир кишига биронта сурги ичириб, ичи суришини кутиб турилади, ичи сургач, тарёқ ичирилади, агар у ични тўхтатса, демак, у янги ва яхши [тарёқ], бўлмаса - ёмон. Жолинус эслатиб ўтган синовлардан бири мана бу: ёввойи хўрозни тутиш лозим, чунки унинг мизожи уйда боқиладиганиникидан кўра курукроқ бўлади, - менимча, бу эркак қирғовул бўлса керак, - кейин уни бирон [заҳарли] ҳашаротга чақтирилади, кейин унга тарёқ ичирилади, агар у тирик қолса, тарёқ яхши ҳисобланади. **Яна [тарёқни] афюн, сассиқ алаф ва бошқа нарсалар ичган одамга бериб ҳам синаб кўрилади. Аммо аконитга тарёқ кам фойда қилади, у фақат ўлим муддатини бир оз кечиктиради, холос; баъзи [табиблар]: бунга мушк дориси бошқа ҳамма нарсадан кўра фойдалироқ бўлса керак, - дейдилар.**

Ҳар бир айрим касалликда тарёқдан қанча ичириш кераклигига келсак [шуни айтиш керакки], эски йўтал, кўкрак ва биқин оғриғида ундан бир *турмуса* миқдоридегисини асал суви билан ёки [касалнинг] иситмаси бўлса, *гулоб* билан ичирилади. Даврий қалтиратувчи иситма, совуқлик ва қусишнинг дастлабки даврида [тарёқдан] бир *турмуса* миқдоридегиси уч *уқиядан* кам бўлмаган ва тўрт ярим *уқиядан* ортиқ бўлмаган сув ёки шароб билан ичирилади. Қуланжга учраган, меъдаси кўпчиган ва ичаги бураб оғрийдиган кишиларга бир *турмуса* миқдоридегиси, билганингдек, асал сувида ёки гулоб билан ичирилади. Иштаҳаси тушган кишига ҳам, ўзинг билганингдек, сув ёки шароб билан ичирилади, тарёқдан бир *турмусани* туёғўт қайнатмаси билан ичирилади. Истисқода бир *турмуса* [тарёқни] овқатдан олдин ютқизилади ёки бир ярим *уқия* миқдоридеги суюлтирилган сиркада ичирилади. Қон туфлайдиган кишига эса, агар касаллик яқинда бошланган бўлса, [тарёқдан] бир *мисқолгачаси* суюлтирилган сиркада ичирилади, агар [касаллик] эски бўлса, ўша миқдорни *сумқутун* қайнатмасида эрталаб ва кечқурун ичирилади. Овози бўғилиб қолган кишига бир боқила миқдордаги [тарёқни] асалли сув ёки узум шинниси билан ичирилади, ёки тил тагида тутиб туришга буюрилади. Ичак яралари ва ичдан қон ўтишига қарши уни татим суви билан, нафас қисийишга қарши эса, бир *уқиядан* камроқ денгиз пиёзи *сиканжубини* билан ичирилади, Тутқанокда [тарёқ] билан томоқ чайилади, кейин чорак мисқолдан [312] ярим *мисқолгачани* сувда ёки денгиз пиёзи *сиканжубинида* ичирилади; бош оғриғи ва *шақиқада* ҳам шундай қилинади.

Агар [тарёқ] петрушка қайнатмаси билан ичилса, қовуқ ва буйракдаги тошни майдалайди. У *ҳайзани* қайтаради ва табиатни боғлайди. **Соғлиқ вақтларида [тарёқ] ичиб юрган кишига заҳарлар зарар қилмайди. У турли офатлардан сақланади ва вабо касалликларидан омон қолади.**

[Тарёқнинг] сифати. Денгиз пиёзи кулчаларидан - қирқ саккиз *мисқол*; *афъо* илони кулчаларидан - йигирма тўрт *мисқол*; *андруҳурун* кулчалари, қорамурч ва афюнларнинг ҳар биридан - шунчадан; дорчиндан, - бир ривоятга кўра, - ўн икки *мисқол*, - бошқа бир ривоятга кўра, - йигирма тўрт *мисқол*; қизил гулдан - ўн икки *мисқол*; ёввойи шолғом уруғи, ёввойи саримсоқ, гулсапсар илдизи, дарахт пўкағи, чучукмиянинг қуюлтирилган шираси ва

бальзам ёғининг ҳар биридан - шунча вазндан; *мурр*, заъфарон, занжабил, ровоч, *фантафилун*, тоғ ялпизи, канавча, тоғ петрушкаси, Рум райҳони, куст, оқ мурч, узун мурч, кийигўти, кундур елими, қорачайир гули, сақич, қора Цейлон дорчини, Ҳинд сунбули ва *жулахларнинг* ҳар биридан - олти *мисқолдан*; суюқ *майъа* елими, петрушка уруғи, Рум сассиқ қавраги, оқ индов уруғи, жувона, *камодарюс*, *камофитус*, такасоқол шираси, Иқлит сунбули, *содаж*, ёввойи укроп илдизи, гентиана илдизи, арпабодиён уруғи, муҳр лойи, куйдирилган сариқ зок, амом, игир, бальзам дарахти уруғи, далачай, тоғ сунбулининг илдизи, [араб] елими, ёввойи зира, Рум арпабодиёни ва араб акациясининг шираси - шуларнинг ҳар биридан тўрт *мисқолдан*; ёввойи сабзи уруғи, гальбан елими, *яхуд* муми, говшир, ингичка *луфо* ва узун аристолохияларнинг ҳар биридан икки *мисқолдан*, - бир ривоятга кўра, - узун арстолохиянинг ўрнига унинг думалоғи кўрсатилган. Қундуз қиридан, - бир ривоятга кўра, - икки мисқол, - бошқа бир ривоятга кўра, - тўрт мисқол [олинади]; Эрон қавраги ҳақида ҳам гап шундай; асалдан ўн *ритл*, эски хушбўй шаробдан икки *қист* олинади. [Дорилардан] эрийдиганлари эритилади, ивийдиганлари ивителиди, қуруқлари эса янчиб эланади. [Сўнгра ҳаммасини] асал билан қориб, сопол ёки қалай, ёки қумуш идишга солиб қўйилади; шунда идишни тўлатмасдан, дори нафас олсин учун, бўш жой қолдирилади. Асал ва шаробдан ташқари ҳамма дорилар - олтмиш тўртта.

Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” V Китоб
Тошкент - “Фан” - 1980 й. (10-20 бетлар).

Изоҳлар

¹ **Тарёқ [ёки тирёқ] - захарларга қарши ишлатиладиган жуда мураккаб таркибга эга бўлган дори.** Бу сўз юнонча *Оприаха* [Lane, 304; Ковнер, 707]дан олинган; бу терминнинг келиб чиқиши ҳақида X-XI асрда яшаган олим Абу Абдулло ал-Хоразмий шундай ёзади: «Бу юнончада илон ва шунга ўхшаш чакувчи ҳайвонларни билдирувчи *тирийун* [υπρίον] сўзидан олинган» [«Мафотиҳ ул-улум» 175]. Тарёқнинг энг яхши хилини катта тарёқ ёки *тарёқ форуқ* [айирувчи тарёқ] деб аталади. Ҳақиқатни ёлғондан ва яхшилиқни ёмонликдан усталик билан фарқ қиладиган кишига нисбатан *форуқ* дейилади. **Яхши тарёқ касалликни соғлиқдан [Lane, 2386] ёки ўлимни ҳаётдан, ёки захарни инсон табиатидан ажратгани учун [ҚК, I, 183] унга ҳам форуқ исми берилган.**

² *Маъжун* [жами *маожин*] сўзнинг луғавий маъноси қорилган ва хамир қилинган бўлиб, *ажин* [хамир] сўзидан олинган. Бу термин билан таркибий қисмлари яхшилаб янчиб, эзиб аралаштиригандан кейин асалга ёки қанд қиёмига, ёки бошқа бирон шарбатга қориш орқали тайёрладиган мураккаб дори ифодаланади; бу таркибни қориштиригандан кейин қирқ ёки ундан ортиқ, ёхуд кам кунгача ачитиш учун қўйиб қўйилади. Маъжун билан *жуворишн* тайёрлашдаги асосий айирма шундан иборатки, биринчисининг таркибига қирувчи моддалар жуда майдалаб янчиб эзилади, иккинчисиники эса бир оз йирикрок янчилади [ҚК, II, 438-439].

³ Б да қўшилган: «ва унинг таркибининг баёни».

⁴ **Андромах [отаси] Критда туғилган бўлиб, Рим императори Нероннинг [асримизнинг 54-68 йиллари] сарой табиби эди. У тарёқ ҳақида махсус шеъринг рисола ёзган [Ковнер, 792].**

Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” V Китоб
Тошкент - “Фан” - 1980 й. (234-бет).

Шаробнинг зарарлари ҳақида

Бу - Шайх-ар-раис Абу Али ибн Синонинг баданни идора этиши ҳақидаги китоби, унинг азиз мозори ёруғ бўлсин!

Билгинки, бу - баданни идора этиши, шаробнинг зарари, кўп ичувчини алдаши ва ундан туғиладиган барча касалликларда юз берадиган ҳолатлар ҳақидадир.

Дунёнинг барча шодликлари беш нарса: кўриш, эшитиш, тотиш, ҳидлаш ва жинсий алоқа орқали бўлади. Бу бешовига беш нарса: кўз, қулоқ, оғиз, бурун ва жинсий аъзо билан эришилади. Бу нарсалар руҳ билан барпо бўлади ва буни ҳинд тилида «ўж» деб аталади. У [руҳ] юрак ўртасидаги етти томчи қондан иборат ва ҳар бир томчи [қон] ўн икки шаъирага баробар. «Ўж» қуйидаги хосиятларга эга: сокин [кам ҳаракат], совуқ, юмишқ, дағал, латиф, ёғли, енгил ва ёпишқоқ. Унинг табиати сокин ва баъзан ўз ўрнидан мойил ҳам бўлади: жойидан жилса, киши ҳушидан кетади ва мияга чиқса, руҳ сўнади. Шаробнинг хосиятлари руҳ хосиятига қарама-қарши: у ҳаракатчан, иссиқ, юмишқ, суюқ, оғир, буриштирувчи, қуруқ ва ёпишқоқ эмас. Маст кишидан ақл, ҳаё ва сабр кетади. Модомики инсон шулардан ажралар экан, одамгарчиликдан чиқади. Шароб заҳарларнинг бири. Агар узоқ оч юрган киши овқат ва ичимликлардан ҳаддан ташқари истеъмол қилса, уларнинг ҳаммаси ҳам заҳар бўлади. Агар инсон истеъмол қилаверса, барча заҳарлар ҳам овқат бўлади.

Эшитмаганмисанки, аввалги ўтган подшоҳлар чўри қиз туғилса, чақалоққа ичига заҳар солинган қаймоқдан озгинадан бериб борганлар ва чақалоқ уни овқат ўрнида ер эди. Қиз катта бўлганида [мазкур подшоҳ] устига маҳв қилмоқчи бўлиб, бошқа бир подшоҳ юриши қилиб келса, унга ўша қизни ҳадя қилар эдилар. У агар қизга яқинлик қилса, унга заҳар таъсир қилар эди.

*Абу Али ибн Сино
Тиббий рисодалар (1 томлик)
Тошкент – Фан – 1987, 211-бет.*

МУНДАРИЖА

| | |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Муқаддима..... | 3 |
| Г'улом Мадминбек хусусий корхонасининг диабетология соҳасидаги илмий фаолиятлари, эришган натижалари, имкониятлари, амалий аҳамиятлари тўғрисида қисқача маълумотлар..... | 4 |
| Буюк Британиядаги 2-типли қандли диабет касаллигини истиқболли илмий текшириш маркази - UKPDS фаолияти натижалари ва қандли диабет касаллигини даволашнинг асосий тамойиллари..... | 7 |
| Г'М Эликсир дори воситасининг далилий текшириш усуллари..... | 11 |
| ЎзР ССВ Суд-тиббий экспертиза Бош бюроси 30-АИ сонли ашъвий далиллар суд-кимё текшируви дадолатномасидан кўчирма..... | 13 |
| Заключение МЮ РУз Республиканского научно-исследовательского криминалистического центра им. Х.С.Сулаймоновой..... | 14 |
| МЗ РУз Республиканский Онкологический научный центр. Отчет по предварительному определению острой токсичности вещества FM-1 (25%-ного раствора плотностью 1,135) | 17 |
| АН РУз Научно исследовательский институт химии растительных веществ. Сводный отчет..... | 17 |
| МЗ РУз ТМА Отчет о проведении научных исследований по договору №32 от 1 августа 2007 года с Частным предприятием Г'улом Мадминбек на тему: «Изучение хронической токсичности фармакологического средства Г'М Эликсир» (2008 год) | 19 |
| МЗ РУз ТМА Отчет об экспериментальном изучении влияния препарата Г'М Эликсир на морфо-функциональное состояние поджелудочной железы на фоне аллоксанового диабета (2006 год) | 28 |
| МЗ РУз ТМА Дополнительные сведения об эффективности препарата Г'М Эликсир в условиях экспериментального аллоксанового диабета (оценка влияния на некоторые показатели углеводно-фосфорного и липидного обменов, стресс-протективная активность) | 35 |
| МЗ РУз НИИ Эндокринологии Отчет по открытому исследованию эффективности и переносимости препарата Г'М Эликсир (раствор во флаконах по 330 мл) производства Частного Предприятия «Г'УЛОМ МАДАМИНБЕК» (РУз) у больных сахарным диабетом (2007 год)..... | 44 |
| МЗ РУз НИИ Эндокринологии Отчет клинического испытания открытое исследование по изучению эффективности и переносимости препарата Г'М Эликсир производства Частного Предприятия «Г'улом Мадминбек» (РУз) в качестве средства для коррекции метаболических процессов и ранозаживляющего средства у больных сахарным диабетом 1 и 2 типа, осложненным «диабетической стопой» и трофическими язвами (2009 год)..... | 51 |
| Факты (интернет данные)..... | 61 |
| Инсониятнинг пайдо бўлиши..... | 81 |
| Доришунослик ва дориларнинг қандай бўлиш кераклиги ҳақида..... | 83 |
| Шаробнинг зарарлари ҳақида..... | 89 |

Одамий эрсанг, дема анингким одамий,
Анингким йўқ халқ ғамидин ғами.

Алишер Навоий

Қаро ер қаъридан то авжи зуҳал,
Коинот сирларин борин қилдим ҳал.
Барча тугун сирларин англадим, ечдим.
Ечилмай қолгани биргина ажал.

Абу Али ибн Сино

Инсонларга ҳос хусусият шуки, ўзининг ақли етмайдиган илм-
фандаги янгиликларга муҳолиф кўзи билан қарайди.

Абу Райхон Беруний

Кимки табиатдан олмаса таълим,
Уни ўргата олмас ҳеч бир муаллим.

Рудакий

Табиб - табиб эмас, бошидан ўтказган табиб

Ўзбек халқ мақоли

Дард тортган яхши билгай дори-дармон қадрини,
Ишбилармонлар тушунгай фурсати он қадрини.

Ҳўжсаназар Ғойибназар Хувайдо

Машрикда қадримни хиндлардан сўранг,
Мағрибда асарим билганлардан сўранг.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

G'M Эликсир дориси – Минг бир дарднинг давоси!

G'M Эликсир дори воситаси:

- Иммуномодулятор;
- Антианемик;
- Гепатопротектор;
- Антиоксидант;
- Антигипоксант;
- Антимикроб;
- Ўткир ва сурункали вирусли гепатитларни даволашда антивирус;
- Ўт-сафро ҳайдовчи;
- Ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраларини даволовчи;
- Барча турдаги жароҳат ва яраларни даволовчи;
- Қандли диабет касаллиги бор бўлган беморлар организмида ишдан чиққан моддалар алмашилиб туришини ва қон айланишини қайта тикловчи;
- Қандли диабет касаллиги бор бўлган беморлардаги трофик яраларни ва бошқа ҳар қандай жароҳатларни жуда юқори даражада самарали даволаш хоссаларига эга эканлиги клиник илмий синовларда исботланган.

Таъсир доираси жуда кенг
Қўлланилиши жуда қулай
Мутлақо зарарсиз ва асоратсиз

Гувоҳнома №04/143/6
Лицензия №П3859
Маҳсулот сертификатланган

G'M Эликсир – Мустаҳкам соғлиқ ва узоқ умр кўриш гарови!

100180, Ўзбекистон, Тошкент ш., Юнусобод-15, 28-уй, 2-х.

Тел: (+99871) 222-20-00, 223-33-30, 222-52-46/47

Факс: (+99871) 222-52-47

Web: www.eliksir.uz E-mail: gm_eliksir@mail.ru